O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 21 ноябрь, № 226 (4125) Сешанба





Аввал хабар қилганимиздек, яқинда Тошкент шаҳрида Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

## ЁШЛАРГА ҒАМХЎР МАСКАН



Болалар ҳуқуқбузарлигининг олдини олиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришни мақсад қилган мазкур марказ икки юз ўринга мўлжалланган. Унда уч ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган қаровсиз қолган болалар ота-онаси, яқинлари ва яшаш жойлари аниқлангунига қадар истиқомат қилиб туришади. Яратилган шарт-шароитлар эса бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб бера олади. Марказнинг очилиш маросимида «Дамас» автомобили туҳфа қилинди.

Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказининг янги бинога эга бўлишини юртимизда ёшларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш, уларнинг комил инсонлар бўлиб униб-ўсишлари учун қаратилаётган эътиборнинг ёрқин намунаси дейиш мумкин.

**СУРАТЛАРДА: марказ ҳаётидан лавҳалар.**

**Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА) олган суратлар.**

## 8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

*Мамлакатимизда Конституциямиз қабул қилинган куннинг 14 йиллигини нишонлашга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, бугун жамиятимизда қандай ютуқ ва марраларга эришаётган бўлсак, буларнинг пойдеворида Конституциямиз — буюк Ҳаётимиз қомуси турибди.*

*Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Бўритош МУСТАФОЕВ билан Конституциямизнинг аҳамияти, Асосий қонунимиз белгилаб берган мақсадларга эришиш йўлида юртимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларнинг самаралари ҳақида суҳбатлашдик.*

## ИСТИҚЛОЛ ВА КОНСТИТУЦИЯ




— Ҳар бир давлатнинг Конституцияси аввало унда яшовчи халқнинг иродасини, руҳиятини, онги ва маданиятини акс эттиради, — дейди Б.Мустафоев. — Шу маънода, 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси Ўзбекистон халқининг сиёсий донолиги ва тафаккури маҳсулидир. Туб моҳияти, фалсафаси, ғоясига кўра илғор миллий ва умуминсоний қадриятларни ўзида мужассам этган Асосий қонунимизда жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуғи — инсон деган фикр илгари сурилгани, айниқса, катта тарихий воқеадир.

Конституциямиз, унинг муқаддимасида мустаҳкамлаб қўйилганидек, инсон ҳуқуқлари ва давлат мустақиллиги ғояларига садоқат, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак маъсулиятни англаш, ўзбек давлатчилигининг тарихий тажрибасига таяниш, демократия ва ижтимоий адолатни, қонунийликни ҳурмат қилиш, халқаро ҳуқуқнинг жаҳонда эътироф этилган қоидалари устунлигини тан олиш, Ўзбекистон фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаш, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва, ниҳоят, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувликни таъминлаш каби олижаноб мақсадларни кўзлайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мустақил давлатимиз Конституциясини яратишда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидаларига қатъий амал қилинди. Шунингдек, ривожланган демократик давлатларнинг Конституция яратиш тажрибасидан ижодий фойдаланилди.

Конституцияда фуқароларнинг аҳиллиги, халқимизга хос одамийлик, умуминсоний қадриятларга ҳурмат каби фазилатлар ўз аксини топди. Қардошлик ва дўстлик анъаналари, халқларнинг ўзаро тотувлиги ва қўшничилиги принциплари ҳам унда муҳим ўрин тутади.

Истиқлолнинг илк давридан бошлаб мамлакатимизда барча соҳаларни ўзига қамраган кенг кўламдаги ислоҳотларни амалга оширишга киришилди. Давлат бош ислоҳотчи сифатида жамиятни либераллаштириш билан боғлиқ аниқ вазифаларни белгилашни ўз зиммасига олгани боис, ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий муносабатларни эркинлаштириш учун улкан имкониятлар яратилди. Тараққиёт кафолати сифатида сўз эркинлигига, сиёсий ва иқтисодий эркинликларга кенг йўл очилди. Натижада давлат ва жамият ҳаётида ғоятда муҳим аҳамият касб этувчи нодавлат нотижорат ташкилотлар, сиёсий партиялар фаоллашуви вужудга келди.

**— Конституция ва иқтисодий-ижтимоий ислоҳотлар. Шу икки тушунча ўртасидаги узвий боғлиқлик нималар мисолида янада яққол намоён бўлади?**

— Асосий қонунимизнинг 53-моддасида белгиланганидек, бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.

(Давоми 2-бетда).

*Кўп эзгу ниятлар билан аталган Ҳомийлар ва шифокорлар йили ҳам якунланиб бормоқда. Шуни мамнуният билан таъкидлаш керакки, 2006 йил мобайнида кўплаб савобли ва фойдали ишлар рўёбга чиқдики, бу бунёдкорлик масканлари нафақат бир йил, балки жуда кўп даврлар халқимизга хизмат қилади.*

## Гулистонда Ибн Сино боғи

Сирдарё вилоятининг маркази Гулистон шаҳрида барпо этилган Ибн Сино боғи бундан буён Ҳомийлар ва шифокорлар йилини ҳамда илк бор нишонланган тиббиёт ходимлари кунини ёдга солиб туради. Илгариги шўрхок майдон ўрнида қад ростлаган бу гўзал боғ шу заминнинг чин ватанпарварлари ташаббуси билан кўркам қиёфа касб этди. Янги оромгоҳ бағрида қўғирчоқлар дўкони, ошхона, болалар ўйингоҳи, дорихона каби масканлар эшикларини кенг очди.

Ўз шаҳарларини янада обод ва серфайз қилишга бел боғлаган гулистонликлар тинч ва осойишта ҳаётимизга ярашгувчи манзиллар бунёд этишда давом этмоқдалар. Шу кунларда шаҳар марказида Курант майдони қурилиши қизғин тус олган.

**А. ХОНИМҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## РАҚОБАТ — ҲАЁТИЙ ЗАРУРАТ



Парламент ҳаёти

*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда коммунал соҳани ислоҳ қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг Хоразм вилоятидаги ижроси тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.*

Мазкур қўмита раиси И. Кочмарик бошқарган мажлисда коммунал соҳани ислоҳ қилишга доир қонун ҳужжатларини ижро этиш юзасидан Хоразм вилоятида муайян ишлар амалга оширилаётганлиги, бу борадаги фаолият уй-жой фондини бошқариш тизимини ўзгартиришга, уй-жой фондини сақлашда хусусий уй-жой мулкдорларининг масъулиятини оширишга, уй-жой ва коммунал соҳаларда рақобатни ривожлантиришга қаратилганлиги таъкидланди.

Айтиш жоизки, ҳозирги кунда вилоятда 50 та ширкат, 3 та уй-жойдан фойдаланиш бўйича масъулияти чекланган жамият, шунингдек, “Иссиқлик таъмир” шўъба корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Улар 1 минг 48 та кўп квартирали уйни ва 22 минг 856 та уй-жой мулкдорларини ўз таркибига бирлаштирган. Бундан ташқари, вилоятда 1991 йилга қадар қурилган уй-жойларни капитал таъмирлаш юзасидан ишлар изчил амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг 1 сентябригача капитал таъмирлаш талаб этилган 865 та кўп хонадонли уйнинг 608 таси таъмирдан чиқарилган.

Шу билан бирга, йиғилишда коммунал соҳани ислоҳ қилишга доир қонун ижросини таъминлаш борасида йўл қўйилаётган камчиликларга эътибор қаратилди. Жумладан, вилоятда ширкатлар томонидан кўрсатиладиган ихтисослаштирилган хизматлар бозорида рақобат муҳити вужудга келтирилмаган. Вилоятда пудрат ва таъмир ишлари бозори ривожлантирилмаганлиги сабабли эса кўп хонадонли уйларни жорий ва мукаммал таъмирлаш ишлари ширкатларнинг ва уларнинг вазифасини бажарувчи ташкилотлар томонидан амалга оширилмоқда. Шу боис, мажлисда вилоятда уй-жой коммунал хўжалиги соҳасига бўлган эътиборни янада кучайтириш зарурлиги қайд этилди.

Йиғилишда муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**Зиёда АШУРОВА.**

## Аҳоли саломатлиги йўлида

*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши билан ҳамкорликда Нукусда ўтказган амалий анжумани аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилишнинг долзарб муаммоларига бағишланди.*

Анжуманда давлатимизнинг мураккаб экологик шароитда истиқомат қилаётган Оролбўйи аҳолиси саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган изчил сиёсати туфайли сил касаллигидан муҳофаза этиш борасида сезиларли ишлар амалга оширилганлиги қайд қилинди. Хусусан, 2002 йили Қорақалпоғистонда ҳар юз минг аҳоли ҳисобига бирламчи сил касаллиги билан оғриган беморлар сони 182 нафар бўлган бўлса, 2005 йил якунига кўра, бу кўрсаткич 43 нафарга камайган. Бу ҳудудда мазкур йўналишда 3 та ихтисослашган шифохона, 14 та диспансер, 2 та махсус санаторий фаолият кўрсатмоқда. Соғлом турмуш тарзи, репродуктив саломатлик, соғлом оила зарурати, юксак санитария ва гигиена маданияти кенг тарғиб қилинмоқда, сил касаллигининг олдини олиш амалиёти чуқурлаштирилмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, шаҳар ва туман ҳокимликлари бу борада жамоатчилик иштирокидан самаралироқ фойдаланмоқда.

Шунингдек, тадбирда аҳолини сил касаллигидан муҳофаза этиш жараёнида мавжуд қонунчиликни такомиллаштириш заруратига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## «Обуна-2007»

*Мен «Халқ сўзи» газетасига 2007 йил учун биринчилар қатори обуна бўлдим. Сабаби, ўтган йили айнан шу газетанинг аралашуви билан менинг ҳаётимда адолат тантана қилди.*

## «Халқ сўзи» туфайли фермер бўлдим



Гап шундаки, Олот тумани Човдур қишлоғидаги зарар кўриб ишлаётган, истиқболсиз ширкат хўжалиги тугатилиб, унинг ерлари танлов асосида фермерларга бўлиб берилаётганди. Бу жараёнда айрим ноҳақликларга йўл қўйилган ва ушбу ҳолат эътирозга сабаб бўлганди. Бу ҳақда «Халқ сўзи» саҳифаларида ёзилгач, масалани ўрганиш, уни жойида одилона ҳал этиш учун шахсан вилоят ҳокими С. Ҳусенов иштирок этганди.

Қайта ўтказилган танловда ҳақиқат қарор топиб, 37,9 гектар ернинг эгаси бўлдим. Йил охирида давлатга пахта ва ғалла сотиш шартнома режаларини ортиғи билан уддалаб, юзим ёруғ бўлди.

Фақат шугина эмас. Ушбу газетада қишлоқ хўжалиги соҳасига оид янгиликлар, хабарлар батафсил бериб борилади. Масалан, яқинда мамлакатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси ва кўрсатмалари билан пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ"да қишлоқ хўжалиги учун мини технологиялар ва ихчам ускуналарнинг ихтисослаштирилган халқаро кўргазма-савдоси ташкил этилди. Ана шу тадбирга бағишланган туркум мақолаларни «Халқ сўзи»да ўқигач, Тошкентга отландим. Кўргазма-савдодан эса замонавий трактор сотиб олиш учун шартнома имзолаб қайтдим.

**Жўрақул ОТАШЕВ,**
**Олот туманидаги «Жонибек Оташобод» фермер хўжалиги раҳбари.**

## Навбатдаги сонларда

**МУАЛЛИМ — МИЛЛАТ ТИМСОЛИ**



**Душманнинг биттаси ҳам кўп, дўстнинг юзтаси ҳам оз**

«Огоҳлик» мавзусида чиқиш

**ЁНДИРИЛГАН ХАЗОН**

инсон саломатлигига зарар



## Дунё нигоҳи

**Л. ЖЕДУНОВА,**
**Ярославль университети психологи:**

*— Айрим давлатларда етим болалар ва болалар уйларининг тобора кўпайиши ҳолати кузатилаётган бир шароитда, Ўзбекистонда ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни ҳар томонлама муҳофаза қилиш борасида изчиллик билан амалга оширилаётган ишларни ўрганса арзийди.*

(Давоми. Боши 1-бетда).

# ИСТИҚЛОЛ ВА КОНСТИТУЦИЯ

Бугунги кунда Конституциямиз ва унинг асосида қабул қилинган қонунлар ҳаётимизнинг барча томонларини демократлаштириш ва жамиятимизни янгилашнинг, мамлакатимиз ободлиги ва халқимиз фаровонлигини таъминлашнинг, шунингдек, Ўзбекистон ўзининг ишончли ва истиқболли шериги деб билаётган жаҳондаги кўплаб мамлакатлар билан ҳамкорлик жараёнларининг қудратли ҳуқуқий негизи бўлиб хизмат қилмоқда.

Республикамизда хусусий тармоқнинг жадал ривожланишини, мамлакат иқтисодиётида унинг салмоғи кўпайишини таъминлаш, тадбиркорлик учун янада қулай ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратиш, давлат тузилмаларининг тадбиркорлар фаолиятига аралашувини чеклаш бўйича тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. Булар қаторида тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш, ҳисоботлар тақдим этиш тизимларининг, рухсат бериш тартибларининг соддалаштирилиши ҳамда текширишларнинг қисқартирилишини, ҳуқуқий таъсир чораларини суд орқали қўллаш тартибининг жорий этилишини, молиявий жавобгарликнинг эркинлаштирилишини алоҳида қайд этиш лозим.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳаётбахш ислоҳотлар самараси туфайли фақат шу йилнинг 9 ойи давомида иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатлари 7,3 фоизни ташкил этди. Экспорт кўрсаткичлари 12 фоиз кўпайиб, ташқи савдо ижобий сальдоси 1,2 миллиард АҚШ долларига етди. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 1,1 триллион сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури бўйича 281 объект хусусий мулк сифатида сотилди.

Ўтган даврда бир қатор янги ишлаб чиқариш қувватлари, шу жумладан, тўқимачилик корхоналари ишга туширилди. Замонавий темир йўллар, автомобиль йўллари, кўприклар, йўлўтказгичлар фойдаланишга топширилди. 545,9 миллион доллар миқдорида хорижий инвестиция ва кредит жалб этилиши натижасида бир қанча йирик қўшма корхоналар лойиҳалари белгиланган муддатда ниҳоясига етказилди.

Кўплаб ижтимоий объектлар, жумладан, мактаблар, лицейлар, коллежлар, олий ўқув юртлари, шифохоналар, маданият ва спорт иншоотлари, тураржойлар, шунингдек, боғ ва хиёбонлар бунёд этилди. Кам таъминланган оилаларга қорамол харид қилиш учун 27,6 миллиард сўм ажратилди. Ҳомийлар маблағлари ҳисобига салкам 28 минг кўп болали оилага бепул қорамол берилди. Аҳоли жон бошига реал пул даромадлари 2005 йилнинг шу давридагига нисбатан 20,1 фоиз, ўртача номинал иш ҳақи 33,8 фоиз ўсди. Республика бўйича 438 минг янги иш ўрни яратилди.

Бу факт ва рақамлар замиридаги ютуқларимизнинг барчаси юртимиз ободлигини, халқимиз фаровонлигини таъминлаш йўлида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар самарасига, таъбир жоиз бўлса, Бош қомусимиз тўла амалда эканига мисоллардир.

**— Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли. Конституциянинг мазкур қоидаси ҳаётимизда нечоғли ўз ижобатини топмоқда?**

— Ушбу конституциявий қоида ва Асосий қонунимизда мулк шаклларининг дахлсизлиги, мулкдорларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланган бошқа муҳим қоидалар туфайли жамиятда янги қатлам — хусусий бизнес ва тадбиркорлик субъектлари шаклланмоқда. Жумладан, кичик бизнеснинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидаги улуши ўтган йилнинг 9 ойи мобайнида 34,3 фоизни ташкил қилган бўлса, мазкур кўрсаткич жорий йилнинг шу муддатида 39 фоизга етди.

Адлия вазирлиги Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалга оширилиши устидан мониторинг маркази томонидан амалга оширилган тадбиркорликка оид норматив-ҳуқуқий базанинг тизимли ва комплекс таҳлили ҳозирги кунда бу соҳада Конституциямиз негизида ишлаб чиқилган 1397 қонун ҳужжати амалда эканини кўрсатди.

Ҳа, тадбиркорликка оид норматив-ҳуқуқий база ниҳоятда салмоқли. Хўш, бу қадар кўп сонли ҳужжатларни унинг ижрочилари ва, ўз навбатида, ижрони назорат қилувчи мутасаддилар қанчалик ўзлаштирган? Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга нечоғли амал қилинмоқда?

Вазирлигимиз мутахассислари шу каби саволларга жавоб топиш мақсадида тадбиркорлик субъектлари билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари ходимлари ўртасида ижтимоий сўров ўтказдилар. Сўровда 2 минг 800 нафар ўзаро тенг нисбат асосида жалб қилинган тадбиркорлик субъектлари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари ходимлари иштирок этди.

Сўров натижалари бир қатор муҳим хулосаларга келиш имконини берди. Жумладан, барча респондентларнинг 80 фоизидан ортиғи тадбиркорликка оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни билиши маълум бўлди ва бу яхши натижа, деб ўйлайман.

Бироқ, тадбиркор-респондентларнинг деярли ярми ўз ҳуқуқий билими юзаки эканини, баъзи қонунлар матни мураккаблиги учун уларнинг моҳиятини тушунишда қийналишини, бу эса ўз навбатида уларга нисбатан турли даражадаги ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланишига сабаб бўлаётганини тан олганлар-ки, келгусида тадбиркорларга имкон қадар мадад бўлиш учун бу йўналишларда ҳам жиддий иш олиб бориш тақозо этилади.

***Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қоидалари, шунингдек, ижобий ўзгаришлар жараёнига асос қилиб олинган «Ислоҳот — ислоҳот учун эмас, ислоҳот — инсон учун» тамойили давлат бошқарувини янада демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилиш ҳамда жамиятни янгилаш борасидаги кенг қамровли ислоҳотларимиз учун бош мезон бўлиб қолаверади.***

Тадбиркорлик субъектлари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари томонидан содир этилаётган қонунбузилишларнинг сабаблари ҳам таҳлил қилинди. Ижтимоий сўровда, жумладан, ўзи томонидан қонунбузарлик содир этилганлигини билдирган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари ходимларининг 26 фоизга яқини ўз хизмат фаолиятига тааллуқли қонун ҳужжатларининг ижро механизми етарли даражада ёритилмаганлиги оқибатида, 15 фоизи қонун ҳужжатларини бажариш мураккаблиги учун, 13 фоизидан ортиғи эса қонун ҳужжатлари талабларини билмаганлиги сабабли қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўйганлигини кўрсатган.

Шу билан бирга, тадбиркорларнинг 61 фоизи ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган ҳолларда давлат органларига, жумладан прокуратура, адлия, ички ишлар органлари, судга мурожаат этишларини маълум қилган.

Эътиборли жиҳати шундаки, сўров натижалари тадбиркорлар фаолиятига ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг салбий таъсирини камайтириш чора-тадбирлари хусусида давлат хизматчилари ва тадбиркорларнинг фикри деярли бир хиллигини кўрсатди.

**— Кейинги йилларда Президентимизнинг тадбиркорлар фаолиятини янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган бир қанча фармон ва қарорлари эълон қилинди. Ана шу ҳужжатларнинг самараси қандай бўлаётир?**

— Аввало, ушбу ҳужжатлар тадбиркорларимизга наинки катта ишонч бағишлагани, айни чоғда, мадад бўлгани, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини янада кенгайтиргани ва кафолатлаганини таъкидлашни истардим. Эътироф этиш керак, мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига ноқонуний аралашувни чекловчи, текширишлар ўтказиш тартибини ҳамда текширувчи мансабдор шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгиловчи бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши ўзининг ижобий натижаларини берди.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишларнинг мувофиқлаштирилиши, хусусий корхоналар, янги ташкил этилган хўжалик юритувчи субъектлар, кичик корхоналар ҳамда фермер хўжаликлари фаолиятини текшириш даврийлиги бўйича чекловларнинг ўрнатилиши текширишлар сонини кескин камайтириш имконини яратгани, айниқса, аҳамиятлидир. Бу билан, бир томондан, тадбиркор, фермер, ҳунарманд том маънода ўз иши билан машғул бўлиши учун қулай шарт-шароит яратилди, иккинчи томондан, назорат органларининг турли текширишлар ўтказишида қонун бузилиши ҳолатлари сезиларли даражада камайди. Мисол учун, адлия идоралари томонидан 2002 йилда Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг рухсатисиз ўтказилган 146 ноқонуний текшириш аниқланган бўлса, 2005 йилда атиги 3 марта шундай қонун бузилиши ҳолати қайд этилган, холос.

Ҳуқуқий таъсир чораларининг суд тартибида қўлланилиши тизими жорий этилганлиги туфайли турли давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан тадбиркорлик субъектларига нисбатан етарли асосларсиз таъсир чоралари қўлланилишининг олди олинган. Мазкур тартиб жорий қилинганидан буён хўжалик судларига ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларидан ушбу тоифадаги 30063 ариза келган ва шулардан 27,3 фоизи асоссизлиги ёки қонунда белгиланган тартибда расмийлаштирилмагани сабабли рад этилган, тугатилган ёки кўриб чиқилмаган.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишга қаратилган бир қатор чоралар амалга оширилаётгани диққатга лойиқдир. Хусусан, адлия, давлат солиқ хизмати, давлат божхона хизмати, ички ишлар, санитария-эпидемиология назорати хизмати идоралари томонидан тадбиркорликка оид қонунчиликнинг ҳуқуқий тарғиботи юзасидан 2005 йилда 9124, 2006 йилнинг 9 ойи давомида 9183 ана шундай чора-тадбирлар амалга оширилди.

Тадбиркорларнинг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги фаоллиги тобора кучайиб бораётгани кузатилмоқда. Чунончи, 2005 йилда тадбиркорлик субъектлари томонидан давлат солиқ, божхона хизматлари, ички ишлар, санитария назорати идораларига 31052 ҳолатда мурожаат қилинган ва шундан 95,8 фоизи қаноатлантирилган. Демак, тадбиркорлар ўз ҳуқуқларини англаб, қонуний манфаатларини қандай ҳимоялашни ҳам тобора чуқурроқ тушуниб етмоқдалар.

Қонун бузилиши ҳолатларини аниқлаш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда айбдор мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини қатъий таъминлаш борасида адлия идоралари томонидан аниқ чоралар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, 2006 йилнинг 9 ойи давомида адлия идораларига тадбиркорлик субъектлари томонидан жами 9511 шикоят ва ариза келган. Бу мурожаатларни ўрганиш натижалари бўйича 7164 тадбиркорнинг ҳуқуқлари тикланди. Ишонч телефонлари орқали мурожаат этган 573 нафар тадбиркорнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши таъминланди.

Тадбиркорлар ҳуқуқларини поймол қилган давлат бошқаруви органлари ва мансабдор шахсларига нисбатан 3404 тақдимнома, 2130 огоҳлантирувчи хат ва 176 кўрсатма киритилди, 1846 ноқонуний қабул қилинган қарор бекор қилинди. Ушбу таъсир чоралари натижасида 3233 мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилиб, 246 нафари эгаллаб турган лавозимидан озод қилинди. 310 нафар шахс маъмурий ҳамда 76 нафар шахс жиноий жавобгарликка тортилди.

Хусусий мулк эгаларига етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш мақсадида судларга 41,4 миллиард сўмлик ва 215 минг АҚШ доллари миқдорида 15446 даъво аризаси киритилди. Шундан 27,7 миллиард сўмлик ва 149,6 минг АҚШ доллари миқдоридаги 13334 даъво аризаси судлар томонидан тўла қаноатлантирилди.

Хўжалик муносабатларида шартнома интизомини мустаҳкамлаш, томонларнинг тенг шартларда ва ўзаро жавобгарлик асосида муносабатга киришишини таъминлаш мақсадида адлия идоралари ходимларининг бевосита иштирокида 2006 йил давлат эҳтиёжи учун пахта хомашёси етказиб бериш бўйича 83584, мева-сабзавот, полиз, узум, картошка маҳсулотлари етказиб бериш бўйича 58831 ҳамда 2007 йил ҳосилидан давлат эҳтиёжи учун бошоқли дон етказиб бериш юзасидан 82120 контрактация шартномаси тузишда ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди.

Тадбиркорликка оид норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида қонун устуворлигини таъминлаш борасидаги ишлар мунтазам давом этадиган жараён. Бунда соҳадаги илғор хорижий тажрибани ўзлаштириш билан бир қаторда, мавжуд ибратли миллий амалиётни мунтазам такомиллаштириб бориш, энг муҳими, ҳар доим Конституция қоидаларига сўзсиз риоя қилиш талаб этилади.

Асосий қонунимизнинг энг муҳим хусусияти шундаки, унда инсонни улуғлаш, унинг эркин равнақ топиши учун реал шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилган. Конституциямиз Ўзбекистон Республикасида демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш учун зарур барча иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ҳамда маданий-маънавий ҳуқуқ ва эркинликларни кафолатлайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қоидалари, шунингдек, ижобий ўзгаришлар жараёнига асос қилиб олинган «Ислоҳот — ислоҳот учун эмас, ислоҳот — инсон учун» тамойили давлат бошқарувини янада демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилиш ҳамда жамиятни янгилаш борасидаги кенг қамровли ислоҳотларимиз учун бош мезон бўлиб қолаверади.

**ЎзА мухбири**
**Ғулом МИРЗО суҳбатлашди.**

*Пойтахтимиздаги "Интерконтинентал" меҳмонхонасида Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент тиббиёт академияси ҳамда республика илмий ихтисослашган аллергология маркази шафеълигида мамлакатимиз аллергологларининг бешинчи анжумани бўлиб ўтди.*

# Эркин нафас олинг

### Аллергологларнинг нияти шундай

Аллергологик касалликларга ташхис қўйиш, даволаш, олдини олиш борасидаги долзарб масалалар муҳокамасига бағишланган мазкур илмий-амалий анжуманда, юртимиздаги олимлар, пульмонологлардан ташқари, Россия, Қозоғистон ва Буюк Британиядан келган мутахассислар ҳам қатнашди.

Анжуманда юртимизда кейинги йилларда Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббиёт муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш, тиббий хизмат сифатини янада оширишда муҳим омил бўлаётгани алоҳида таъкидланди.

— Соғлиқни сақлаш борасида олиб борилаётган туб ислоҳотлар аллергология соҳасини ривожлантиришда ҳам муҳим омил бўлмоқда, — деди Республика илмий ихтисослашган аллергология маркази раҳбари, профессор Озод Назаров. — Шифо масканимиз клиника, поликлиника ва лабораторияси бу борада қўлланиладиган замонавий тиббий-диагностик жиҳозлар билан таъминланган. Йилига қарийб ўн саккиз минг нафар беморга маслаҳат-ташхис ва даволаш хизмати кўрсатилмоқда.

Тадбир давомида, шунингдек, мамлакатимиз ва хорижий давлатлар олимлари, шифокорлар илмий-амалий аллергологиянинг долзарб муаммолари, бронхиал астмани даволаш, бу борада янги авлод ингаляторларини қўллаш тажрибаси, болалар саломатлигини муҳофаза қилиш билан боғлиқ масалалар юзасидан тажриба алмашдилар.

Анжуман доирасида дори воситалари, лаборатория ва диагностика анжомлари, янги ахборот технологиялари ҳамда ихтисослашган нашрларнинг "Аллергия ва астма-2006" номли кўргазмаси намойиш этилди.

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**



# Деҳқонларнинг яқин кўмакчиси

*Ер эгаларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда банк муассасалари алоҳида ўрин тутади. Хусусан, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Янгиариқ туман филиали ҳам фермерларнинг яқин кўмакчисига айланган. Айни пайтда мазкур филиал 672 мижозга намунали хизмат кўрсатиб келмоқда. Яшин Мадраҳимов бошлиқ "Отаназар Мадраҳимов" фермер хўжалиги ҳам худди шу муассасада ҳисоб рақами очган. Ҳар йили шартнома режаларини ортиғи билан уддалаётган заминдор муваффақиятларида банкнинг хизмати катта эканлигини алоҳида таъкидлайди.*

**СУРАТДА: (чапдан) фермер Яшин Мадраҳимов банк мутахассиси Қодирберган Йўлдошев билан ҳисоб-китоб ишларини кўздан кечираяпти.**

**Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.**

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг

## ҚАРОРИ

## "Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 10-моддасининг биринчи қисмини шарҳлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раис ўринбосари Б.Мирбобоев, судьялар У.Бозоров, Г.Пиржанов ва С.Ҳакимовадан иборат таркибда, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 109-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига ва "Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 1-моддасига амал қилган ҳолда, "Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 10-моддасининг биринчи қисмини шарҳлаш ҳақидаги ишни очиқ суд мажлисида кўриб чиқди.

Масала Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Конституциявий судга мурожаати муносабати билан "Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 19-моддасига мувофиқ судьялар У.Бозоров, Г.Пиржанов ва С.Ҳакимованинг ташаббуси билан киритилди.

Конституциявий суд маърузачи судья С.Ҳакимованинг ахборотини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси қўмитасининг раиси Н.Исмоилов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси қўмитасининг раиси, Конституциявий суд ҳузуридаги Илмий-маслаҳатлашув кенгашининг аъзоси А.Саидов, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг ўринбосари Е.Каньязов, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси юридик бўлимининг мудири Б.Қўчқоров, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг раиси А.Шайховларнинг фикрларини эшитиб, иш бўйича мавжуд материалларни ўрганиб чиқиб қуйидагиларни

**аниқлади:**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Конституциявий судга мурожаатида "Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 10-моддасининг биринчи қисмига, ушбу норма инвестицияга оид низони ҳал этиш учун Инвестицияга оид низоларни тартибга солувчи халқаро марказ(бундан буён матнда – Марказ)га ўтказишга Ўзбекистон Республикасининг розилигини ўзида ифода этади деб ҳисоблаш мумкинлиги нуқтаи назаридан расмий шарҳ бериш ҳақида савол қўйилган.

"Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 10-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ "Чет эл инвестициялари билан бевосита ёки билвосита боғлиқ низо (инвестицияга оид низо), тарафлар келишувига кўра, улар ўртасидаги маслаҳатлашувлар орқали ҳал этилиши мумкин. Агар тарафлар келишилган ҳал қилувга эриша олмасалар, бундай низо Ўзбекистон Республикасининг хўжалик суди томонидан ёхуд ҳакамлик воситасида инвестицияга оид низоларни ҳал этишга доир Ўзбекистон Республикаси қўшилган халқаро шартномаларнинг (битимлар ва конвенцияларнинг) қоидалари ва тартиботига мувофиқ ҳал этилиши лозим".

"Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 10-моддасининг биринчи қисмидаги инвестицияга оид низо ҳакамлик воситасида бундай низоларни ҳал этишга доир Ўзбекистон Республикаси қўшилган халқаро шартномаларнинг (битимлар ва конвенцияларнинг) қоидалари ва тартиботига мувофиқ ҳал этилиши лозимлиги ҳақидаги қоидаларни баъзи инвесторлар Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1994 йил 6 майдаги қарори билан ратификация қилинган "Давлатлар ва ажнабий шахслар ўртасидаги инвестицияларга оид низоларни ҳал этиш тартиби тўғрисидаги Конвенция" (бундан буён матнда – Конвенция)га мувофиқ ҳал этиш учун Марказга ўтказишга республика розилиги ифодаси сифатида нотўғри тушунишлари ушбу нормага шарҳ бериш заруриятини келтириб чиқаради.

"Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 10-моддасининг биринчи қисмига шарҳ беришда Конституциявий суд қуйидагиларга асосланади:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг Муқаддимасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлиги тан олинади.

2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддасига мувофиқ "Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади.

Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар".

3. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 111-моддасига мувофиқ "Мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ўртасидаги, шунингдек тадбиркорлар ўртасидаги, иқтисодиёт соҳасида ва уни бошқариш жараёнида вужудга келадиган хўжалик низоларини ҳал этиш Олий хўжалик суди ва хўжалик судлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилади".

4. "Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 3-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ давлат Ўзбекистон Республикаси ҳудудида инвестиция фаолиятини амалга оширувчи чет эллик инвесторларнинг ҳуқуқларини кафолатлайди ва ҳимоя қилади.

5. "Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 10-моддасининг биринчи қисми инвестицияга оид низоларни қуйидагича ҳал этиш мумкинлигини белгилайди:

— тарафлар келишувига кўра, улар ўртасидаги маслаҳатлашувлар орқали, яъни тарафлар томонидан қонун асосидаги ва доирасидаги ҳар икки тарафга ҳам мақбул бўлган қарорни биргаликда ишлаб чиқиш йўли билан;

— агар тарафлар келишилган ҳал қилувга эриша олмасалар, бундай низо Ўзбекистон Республикасининг хўжалик суди томонидан ёхуд ҳакамлик воситасида инвестицияга оид низоларни ҳал этишга доир Ўзбекистон Республикаси қўшилган халқаро шартномаларнинг (битимлар ва конвенцияларнинг) қоидалари ва тартиботига мувофиқ ҳал этилиши лозим.

Ушбу қоидалар мазмунидан "Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 10-моддаси биринчи қисмининг нормалари инвестицияга оид низоларни ҳал қилишнинг мумкин бўлган вариантларини белгилаб, бу вариантлардан биронтасининг воситасида инвестицияга оид низони ҳал этишга тарафларнинг ёзма розилигини назарда тутмаганлиги келиб чиқади. "Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 10-моддаси биринчи қисмининг таҳрири муайян битим ёки конвенцияга ҳавола қилмай, умумий қоидалар, кўрсатмаларни белгилайди.

Инвестицияга оид низо тарафлари ёзма розилигининг мажбурийлиги Конвенция 25-моддасининг 1-бандида назарда тутилган бўлиб, мазкур Конвенцияга мувофиқ Марказ таъсис этилган.

Конвенция 25-моддасининг 1-банди билан белгиланган тартибга мувофиқ низо иштирокчиларининг инвестицияга оид низони ҳал этиш учун Марказга ўтказиш ҳақидаги ёзма розилигининг мавжудлиги Марказ томонидан бундай низони ҳал этишнинг мажбурий шарти ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг кўрсатиб ўтилган нормалари, шунингдек иш бўйича бошқа материаллар таҳлили асосида Конституциявий суд "Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 10-моддасининг биринчи қисми ўзида "тараф розилиги" тушунчасини ифода этмайди ҳамда ушбу нормада назарда тутилган инвестицияга оид низоларни ҳакамлик воситасида инвестицияга оид низоларни ҳал этишга доир Ўзбекистон Республикаси қўшилган халқаро шартномаларнинг (битимлар ва конвенцияларнинг) қоидалари ва тартиботига мувофиқ ҳал этилиши мумкинлиги тараф розилиги ифодасини билдирмайди, шунингдек Марказ томонидан инвестицияга оид низоларни ҳал қилинишининг асоси сифатида ёзма розиликнинг мавжудлиги мажбурийлиги Конвенция 25-моддасининг 1-бандида назарда тутилган ва унга ҳар бир алоҳида ҳолатда риоя қилиниши лозим, деб ҳисоблайди.

Баён қилинганларга асосланиб ва "Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 1, 25, 26, 27-моддаларига амал қилган ҳолда Конституциявий суд

**қарор қилди:**

1. "Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 10-моддасининг биринчи қисмига қуйидаги шарҳ берилсин:

— "Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 10-моддасининг биринчи қисми қоидалари мазмуни бўйича "тараф розилиги" тушунчасини ўзида ифода этмайди;

— "Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 10-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган инвестицияга оид низоларни ҳакамлик воситасида инвестицияга оид низоларни ҳал этишга доир Ўзбекистон Республикаси қўшилган халқаро шартномаларнинг (битимлар ва конвенцияларнинг) қоидалари ва тартиботига мувофиқ ҳал этилиши мумкинлиги Конвенцияга мувофиқ инвестицияга оид низони ҳал этиш учун Марказга ўтказишга республика розилигининг ифодаси ҳисобланмайди.

2. Ушбу Қарор "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталарида эълон қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди**

Тошкент шаҳри,
2006 йил 20 ноябрь.

# ЖАҲОН 24 соат ичида



**Деҳлида Афғонистонга ҳар томонлама ёрдам кўрсатишга бағишланган икки кунлик халқаро конференция бўлиб ўтди.** Унда Марказий Осиё давлатлари ва Афғонистоннинг жанубий қўшниларидан делегациялар иштирок этди. Конференцияда асосан расмий Кобул билан иқтисодий алоқаларни йўлга қўйиш ва гиёҳванд моддалар савдосига қарши курашиш масалалари муҳокама этилди. Афғонистонда ҳали ҳам беқарор вазият сақланиб қоляпти. Шу йилнинг ўзида қуролли тўқнашувлар натижасида 4000 киши қурбон бўлди. Уларнинг аксарияти тинч аҳоли вакилларидир.



**Жосуслик қилаётган Ернинг сунъий йўлдоши портлатилди.** Россия Мудофаа вазирлигига қарашли мазкур қурилма 20 ноябрь куни йўқ қилинган. Бу ҳақда «Коммерсант» газетаси хабар тарқатди. «Дон» деб аталувчи мазкур оптик қурилма 800 километргача бўлган баландликда Ердаги турли воқеаларни кузатиб боришга мўлжалланганди ва у жорий йилнинг 14 сентябрида учирилганди. Ҳозирча россиялик ҳарбийлар «Дон» йўқ қилингани ҳақида изоҳ бермадилар.



**Исроил Бош вазири БМТ томонидан қабул қилинган резолюциядан норози.** Бундан бир неча кун илгари Ғазо секторидаги Бейт Ханун шаҳарчасига Исроил ҳарбий ҳаво кучлари томонидан йўлланган ракеталар сабаб 19 нафар тинч аҳоли қурбон бўлганди. Эхуд Ольмерт мазкур масала юзасидан қабул қилинган резолюцияни қайта кўриб чиқилишини сўраб, халқаро ҳамжамият Бош котиби Кофи Аннанга мурожаат қилди.



**Бағдодда мамлакат ҳукуматининг аъзоларидан бири гаровга олинди.** Манбаларда келтирилишича, соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Аммар Сафар мамлакат пойтахтидаги ўз уйидан ўғирлаб кетилган. Бундан ташқари, навбатдаги амалга оширилган давомли терактлар камида қирқ кишининг ҳаётига зомин бўлди. Айни пайтда Ироққа ташриф буюрган Сурия ташқи ишлар вазири Волид Муаллим мамлакатдан хорижий давлатлар қўшинлари олиб чиқилиши минтақадаги зўравонликларнинг камайишига туртки беришини таъкидлади.



**Чеченистонда ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари учта нефть қудуғи портлатиб юборилишининг олдини олишга муваффақ бўлишди.** Бу ҳақда «Интерфакс» ахборот агентлиги хабар тарқатди. Қўриқлаш хизмати ходимлари қудуқлар олдида текширув олиб боришаётганида, Побединск қишлоғидан унча олис бўлмаган қудуқларга соат билан ишлайдиган қўлбола портловчи ускуна ўрнатиб кетилганини пайқаб қолишган.



**Шимолий Корея масаласи юзасидан олти томонлама музокаралар жорий йилнинг декабрь ойида қайта тикланиши мумкин.** Бу ҳақда Россия ташқи ишлар вазири Сергей Лавров маълум қилди. Унинг сўзларига қараганда, Осиё-Тинч океани мамлакатлари иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти саммитида мазкур масала .юзасидан ҳеч қандай муҳим қарорга келинмаган.




**Буюк Британияда оммавий тарзда ноқонуний муҳожирларга қарши кампания бошланди.** Мамлакат мудофаа вазирлиги уларнинг сонини камайтириш бўйича чақириқ билан чиқди. Эндиликда, муҳожирлик хизмати ходимларининг ваколатлари кенгайтирилади, яъни уларга ноқонуний муҳожирлар билан фаолият юритганликда гумон қилинган Бирлашган Қироллик фуқароларини ҳам қамоққа олиш ҳуқуқи берилади. Муҳожирларни ўз ватанларига қайтариш учун ажратиладиган маблағ ҳам икки ҳисса кўпайтирилади. Унинг ҳажми 600 миллион долларга етиши мумкин.



**Тожикистонда мамлакат президентлигига қайта сайланган Имомали Раҳмоновнинг қасамёд маросими бўлиб ўтди.** Сайлов натижалари маълум қилинганидан сўнг президент қасамёд қилди. У сайловда 79,3 фоиз овоз олди. Маросимдан сўнг давлат раҳбари мамлакатнинг ташқи сиёсати билан боғлиқ бир қатор масалалар юзасидан баёнот килди. Раҳмонов ўзининг ҳукумати фаолиятини Марказий Осиё давлатлари билан бир қаторда Россия, АҚШ ва ЕИ мамлакатлари билан узоқни кўзлаган ҳолда ҳамкорликни ривожлантиришга катта эътибор қаратади.

**Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.**

# «Экосан»нинг ҳинд заминидаги учрашувлари

*Ҳиндистон пойтахтида қишлоқ хўжалиги тадқиқотчилигида янги йўналишларни ишлаб чиқиш, соҳага илғор технологияларни татбиқ этиш, жаҳонда озиқ-овқат хавфсизлиги ва экология барқарорлигини таъминлаш мавзуларига бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди. У Қишлоқ хўжалиги тадқиқотлари глобал форуми томонидан ташкил этилди.*

## Халқаро анжуманларда

Ҳиндистон Президенти Абдул Қалам халқаро анжуманнинг очилиши маросимида сўзга чиқиб, қишлоқ хўжалиги самарадорлигини яхшилаш, жабҳага илғор технологияларни татбиқ этиш борасида мамлакатда амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида атрофлича фикр юритди.

Конференцияда «Экосан» халқаро хайрия жамғармаси раиси Юсуфжон Шодиметов бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси ҳам иштирок этди. Жамғарма раҳбари тадбир иштирокчиларига мамлакатимизда амалга оширилаётган ер ислоҳоти, хусусийлаштириш жараёнлари, қишлоқ хўжалиги бошқаруви ва тадбиркорлик фаолиятини либераллаштириш ҳамда фермерлик ҳаракатини ривожлантириш борасидаги чора-тадбирлар ҳақида сўзлаб берди.

Ташриф доирасида «Экосан» вакилларининг Ҳиндистон экология ва атроф муҳити институтида бўлиб ўтган учрашуви чоғида атроф-муҳитни ҳимоя қилиш борасидаги ҳамкорликни фаоллаштириш истиқболлари, ўзаро ахборот айирбошлаш, қўшма лойиҳаларни рўёбга чиқариш, экотуризм соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

**Садриддин СУЯРОВ,**
**«Жаҳон» АА мухбири.**
Деҳли.

Азиз юртдошлар!

«ПАХТА БАНК»дан

СИЗЛАР УЧУН
ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР.

«Пахта банк» янги, қулай ва манфаатли

«ТУҲФА» ҳамда «АДОЛАТ»

муддатли омонатларини таклиф этади.

*«Туҳфа» муддатли омонатининг сақлаш муддати 2 ой бўлиб, фоизли даромадингизни олдиндан олиш имкониятига эгасиз.*

*«Адолат» муддатли омонатининг сақлаш муддати 3 ой бўлиб, фоизли даромадингизни ойма-ой олиб борасиз.*



*Ушбу омонатлар бўйича йиллик 18 фоиз даромад тўланади.*

*Омонатлар бадалининг энг кам миқдори — 50 000 сўм.*

«Пахта банк»нинг исталган филиалига мурожаат этиб даромадингизни янада кўпайтиринг.

Омонатга қўйган маблағингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланган.

«ПАХТА БАНК» —
ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

## Солиқ тизими



*— Ўтган ой бошларида йил давомида ўтказилган қисқа муддатли текширишларнинг қандай самара бераётганини таҳлил қилиб кўрдик, — дейди Жиззах вилояти Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи Нурилла Умаров. — Нақд пул тушумига эга бўлган 1815 та савдо нуқтасида уюштирилган кузатувлардан сўнг тушумлар олдинги кунлардагига қараганда 735,6 миллион сўмга кўпайгани маълум бўлди. Бу яхши кўрсаткич, албатта. Аммо 266 шохобчада ўтказилган қисқа муддатли текширувлар чоғида аниқланган қонунбузарликлар билан келишиб бўлмайди.*

# ҚОНУНГА ЗИД — ВИЖДОНГА ЗИД

Хусусан, вилоят шаҳар ва туманларидаги 100 га яқин жамоа назорат-касса машиналаридан фойдаланмай, нақд пул муомаласини ташкил этган, 12 савдо нуқтасида эса бундай машиналар умуман ўрнатилмаган. Текширишлар чоғида мижозларга чек бермаслик, кундалик нақд пулни банкларга топширмаслик, маҳсулотларни кирим ҳужжатларисиз сотиш ҳолатлари ҳам кўплаб учраяпти. Бу ҳол соҳа мутасаддилари, маҳаллий раҳбарларни жиддий ўйлантириши лозим. Негаки, Президентимизнинг 2005 йил 22 ноябрдаги «Банкдан ташқари айланмани қисқартириш масалалари бўйича қабул қилинган ҳужжатларнинг амалга оширилиши устидан назоратни кучайтириш ва нақд пул муомаласининг ҳолати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш улар зиммасига катта масъулият юклайди.

Яқинда вилоят Давлат солиқ бошқармаси ходимлари ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорликда ўтказган қисқа муддатли текширувда антиқа ҳолатнинг гувоҳи бўлдилар. Гап шундаки, Пахтакор тумани ҳудудида фаолият кўрсатаётган «Ҳамкор-ИМИДЖ» хусусий корхонасига қарашли АЁҚШдагилар анча уддабурон эканликлари маълум бўлиб қолди.

Навбатчи оператор Баҳром Холбеков харидор Т.Қосимовга 10 литр АИ-80 маркали бензинни 5500 сўмга сотиб, харид чеки беришни хаёлига ҳам келтирмади. Харидор ҳақидан 400 сўм уриб қолган бу ходим пинагини ҳам бузмади. АЁҚШ хазинасидаги пуллар санаб кўрилганда эса, 1 миллион 573 минг 600 сўм назорат-касса машинасига киритилмай яширилгани аниқланди. Мавжуд ёнилғи қолдиғи ҳисоб-китоб қилинганда, 3775 литр бензин кам, 2988 литр дизель ёнилғиси кўп чиқди. Буни қандай тушунса бўлади?

Кейинги пайтларда ноқонуний равишда истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқараётган яширин цехларнинг кўпаяётгани ҳам кишини ташвишга солади. Чунки бундай цехларда тайёрланаётган маҳсулот сифатига кафолат йўқ.

Ғаллаорол тумани ДСИ ходимлари «Бант» маҳалласида қисқа муддатли текшириш ўтказганларида, фуқаро Наргиза Қаршибоева яшаётган ва акаси Олмос Қаршибоевга тегишли бўлган 28-уйнинг 7-хонадонида қўлбола арақ, вино чиқараётгани маълум бўлди. Шу куни яширин цехдан 108 литр спирт, 138 дона арақ ва вино топилди. 889 дона қопқоқ, 820 дона полиэтилен қопқоқ, кўплаб ёрлиқлар, акциз маркалари, 2 та арақ ёпиш ускунаси далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Туманнинг Хонимқўрғон қишлоғи ҳудудида истиқомат қилувчи Гулжаҳон Жалилованинг уйидаги яширин цех ҳам Н.Қаршибоеваникидан қолишмайди. Бу ерда ҳам арақ тайёрлаш учун барча хомашё — этил спирти, турли қопқоқлар, ёрлиқлар ва бошқа воситалар хоҳлаганча топилади. Тайёр маҳсулот учун 786 дона акциз маркаси ҳам бор.

Вилоят Давлат солиқ бошқармаси ходимлари бундай салбий ҳолатларни бартараф этиш учун зарур чора-тадбирларни кўрмоқдалар.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Российский
линолеум
Производство
ЩекиноАзот г. Тула,
Стройпластмасс г. Ульяновск
тел. 134-48-11
факс 134-49-58

ҲУҚУҚИЙ МАРКАЗИ
АДВОКАТЛИК ФИРМАСИ
«ҲИМОЯ»
СОЛИҚ ВА БОЖХОНА НИЗОЛАРИ
ТУРЛИ МУРАККАБЛИКДАГИ ХЎЖАЛИК НИЗОЛАРИ
СУД ҚАРОРЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШДА ҲУҚУҚИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ
Тошкент: (371) 133-11-13, 175-63-72, 301-33-15
Самарқанд: (3662) 33-30-99
Бухоро: (365) 223-63-72, 223-68-85
Навоий: (436) 730-99-80
Қарши: (371) 175-63-72
ТЎЛОВ НАТИЖАЛАР БЎЙИЧА

ДАВЛАТ, ХУСУСИЙ ВА МУЛКЧИЛИК ШАКЛИ ТУРЛИЧА БЎЛГАН КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАХСУСЛАШТИРИЛГАН ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ БОШҚАРМАСИ

2006 йил 21 ноябрдан 21 декабргача қуйидагиларни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш бўйича тендер ўтказилишини эълон қилади:



- бош кийимлар (ёвшан рангли фуражка, денгиз тўлқини рангли фуражка, табиий мўйнали қулоқчин, сунъий мўйнали қулоқчин, ип газлама «соя» («тень») рангли камуфляж панама, ип газлама «тоғ тоши» («горный камень») рангли камуфляж панама, ип газлама «қум» («песочная») рангли камуфляж панама, ип газлама «тоғ-саҳро» («горно-пустынная») рангли камуфляж панама, ҳарбий хизматга чиқирилувчилар учун спорт кепкаси (жокейка);
- тикув буюмлари (ип аралашган жунли мундир ва қистирмасдан (навыпуск) кийиладиган денгиз тўлқини рангли шимлар, ип аралашган жунли мундир ва қистирмасдан кийиладиган ёвшан рангли шимлар, ип аралашган жунли китель ва қистирмасдан кийиладиган ёвшан рангли шимлар, ип аралашган жунли ёвшан рангли шимлар, куртка ва қистирмасдан кийиладиган денгиз тўлқини рангли шимлар, енги узун ва калта ёвшан рангли кўйлаклар, енги узун ва калта денгиз тўлқини рангли кўйлаклар, иссиқ тутадиган денгиз тўлқини рангли курткалар, иссиқ тутадиган қатлами ечиладиган ёвшан рангли калта пальтолар, ёзги ва қишки «соя» рангли камуфляж костюмлар, ёзги «тоғ тоши» рангли камуфляж костюмлар, ёзги ва қишки «қум» рангли камуфляж костюмлар, қишки иссиқ тутадиган (парка) «соя» рангли дала костюмлари, қишки иссиқ тутадиган (парка) «тоғ тоши» рангли дала костюмлари, ёзги ва қишки «тоғ-саҳро» рангли костюмлар, муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган аскарлар учун тантана ва байрамларда кийиладиган куртка ва шимлар, муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган аскарлар учун тантана ва байрамларда кийиладиган қишки курткалар, муддатли ҳарбий хизматга чақирилувчилар учун спорт костюми);
- тикув-трикотаж буюмлари (трикотаж ич кийимлар, иссиқ тутадиган трикотаж кийимлар, трикотаж футболка, ип газлама ва ип аралашган жунли пайпоқлар);
- кундалик, дала ва спорт учун мўлжалланган пойабзаллар (қўнжи баланд бўлмаган хром ботинкалар, иссиқ тутадиган офицерлар хром ботинкалари, қўнжи баланд ботинкалар, сакраш учун мўлжалланган қўнжи баланд ботинкалар, казарма тапочкалари, спорт кроссовкалари);
- аслаҳа-анжомлар (офицерлар дала сумкаси, сержантлар дала сумкаси, офицерлар таркиби учун чармли анжомлар, универсал (разгрузочный) жилет);
- ётаржой буюмлари (чойшаблар, сочиқлар, ип аралашган жунли одеялолар);
- костюмлик ип аралашган жунли матолар;
- кир ювиш воситалари (80%ли бўлак атир совун, суюқ атир совуни, кир ювиш кукуни);
- бошқа буюмлар (погонлар, фурнитуралар, гигиеник салфеткалар).

Тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун 50 000 сўмни Тошкент шаҳри «Ипак йўли» инновация-тижорат банкининг қуйидаги ҳисоб рақамига ўтказиш лозим: 20210000903962263002, МФО 00444, ИНН 202692074.

*Тендер таклифлари ва намуналарни қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2006 йил 21 декабрь соат 17.00 гача.*

Маълумот олиш учун ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 8 10 998 (371) 169-88-54, 169-88-02.

# Маркадаги ифтихор



***Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинганлигининг 15 йиллиги муносабати билан "Ўзбекистон почтаси" очиқ акциядорлик жамияти байроғимиз тасвири туширилган купонли почта маркасини ишлаб чиқарди. Шу муносабат билан "Тошкент почтамти" филиали биносида мазкур марканинг тақдимоти ўтказилди.***

Мазкур почта маркасида республикамиз байроғининг тасвири туширилган. Купонда эса Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биноси акс этган.

— Янги марка мустақиллигимиз 15 йиллиги нишонланган йилда муомалага кираяпти, — дейди Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори ўринбосари Асад Хўжаев. — Энди давлатимиз рамзи туширилган ушбу маркалар дунёнинг турли ҳудудларини кезади. Бундан ташқари, юртдошларимиз маркалардан фойдаланишлари негизида Ватанга бўлган муҳаббатнинг ёрқин ифодаси акс этади.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

## 2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили



***Вужудида озгина хасталик сезган киши борки, дардини биринчи бўлиб унга айтади. Боиси, маҳалла ҳамшираси шундоқ ёнгинасида, тез-тез ҳолидан хабар олиб туради, кечами-кундуз демай, зарур ёрдам кўрсатади.***

# МАҲАЛЛА ҲАМШИРАСИ

Қўлида дори-дармон солинган қутича билан кириб келган оқ халатли ҳамширани кўриб Абдулла отанинг чеҳраси ёришди.

— Келдингизми қизим, кечаги дорилар анча эм бўлди чоғи, хийла тузукман, ишқилиб қўлингиз дард кўрмасин, — дуога қўл очади мўйсафид.

Ёши салкам тўқсонни қоралаган қарияга кексалик таъсирини ўтказдими, кейинги пайтларда гоҳ у жойи, гоҳ бу жойи безовта қилаверганидан ҳамширага юрагини ёзганди. У отахоннинг кўнглини кўтарди, тезда шифокорни чақириб келиб, ташхис қўйдирди. Муолажа тартибини ёзиб олиб, хонадонга ҳар куни келадиган бўлди.

Шовон маҳалласи аҳли Машҳура Достонովани ҳазил-чин аралаш «шафқат ҳамшираси», деб аташади. Айтганларича бор. 2002 йили ҳудудда «Ўзбекистон» қишлоқ шифокорлик пункти фойдаланишга топширилгандан сўнг, у ва ҳамкасблари иш тартибини анча ўзгартиришди, хонадонларга мунтазам ташриф буюриб, фуқаролар саломатлигидан доимий хабар олишни йўлга қўйишди. Бунга қадар одамлар арзимаган хасталик боис йигирма чақирим наридаги туман марказига боришар, кунлаб вақтни беҳуда совуришарди. Энди бу ташвиш йўқ ҳисоби. Гўдакларни эмлаш, туғиш ёшидаги аёллар кўриги, ўсмирлар соғлиғини назорат қилиш тадбирлари ҳам шу жойнинг ўзида амалга оширилганидан, кўпчиликнинг маҳалла саломатлик маскани, унинг оқ халатли фидойиларига ишончи ортди.

Тўрақўрғон туманидаги Қатағон Сарой қишлоғида жойлашган мазкур шифо муассасаси соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислоҳотларнинг дастлабки меваларидан. Гарчи у мослаштирилган бинода жойлашган бўлсада, фаолияти замон талабларидан сира-сира қолишмайди. Кенг ва ёруғ саккизта хонасида умумий амалиёт кўриги, муолажа ишлари, эмлаш тадбирлари, таҳлил хизматлари бажарилади. Тиббий хизматнинг аҳолига яқин ушбу бўғини фаолият кўрсата бошлагач, врач ва ҳамширалар ҳам янги талабларга мослашишди. Масалан, асосий мутахассислиги болалар шифокори бўлган Баҳодир Қамбаров Тошкент тиббиёт академиясида ўн ой малака ошириб, умумий амалиёт врачи сертификатини олди. Эндиликда болаларга ҳам, катталарга ҳам бемалол ташхис қўяди, даволаш усулларини белгилайди. Таҳлилхонада ишлаётган Матлуба Убайдуллаева вилоят марказида қайта тайёрловдан ўтди. Одмигина, бироқ, тиббиётнинг зарур талаблари даражасида жиҳозланган хонада таҳлил ишларини тезкорлик билан ўтказмоқда. Яқинда «Саломатлик-2» лойиҳаси асосида таҳлилхонага янги жиҳозлар келтирилгач, унинг имконияти янада кўпайди. Бу ерда меҳнат қилаётган бошқа шифокорлар ҳам даво истаб келган маҳалладошини очиқ чеҳра билан кутиб олиб, дардига малҳам бўлишга ҳаракат қилмоқда.

— Ҳудудимизнинг 570 хонадонида уч мингдан ортиқ фуқаро истиқомат қилади. Улар саломатлигини сақлаш асосан бизнинг зиммамизда, — дейди ҚВП мудири Б. Қамбаров. — Соҳадаги ислоҳотлар талабларидан келиб чиқиб, аввало, аҳоли ўртасида тиббий маданиятни юксалтиришга эътибор қаратяпмиз. Хонадонлар ҳамшира қизларимизга тақсимлаб берилган бўлиб, кунда-кунора боришганида оила аъзолари соғлиғини назоратдан ўтказишади, сўнгра ҳовли-жой тозалигини кўздан кечиришади, турли хасталикларнинг олдини олиш ҳақида суҳбат уюштиришади. Одамлардан яшаш жойлари озода бўлишини талаб қиламиз.

Маҳалла шифокорлари тиббиётнинг илк бўғини имкониятларидан фойдаланиб, аҳоли соғлиғини сақлаш борасидаги бошқа вазифалар ижросини ҳам дуруст йўлга қўйишмоқда. Жумладан, ўн тўрт ёшгача бўлган болалар, ўсмирлар, туғиш ёшидаги аёллар кўриги мунтазам ўтказилади. Бундан ташқари иккинчи жаҳон уруши, Чернобиль фожиаси қатнашчилари, умумий ногиронларга уйларига бориб хизмат кўрсатилади. Натижа ёмон эмас. Одамлар унча-мунча касалликларга ён бермай қўйишди, чунки, ёнгиналаридаги шифохонада зарур муолажа олишларига ишончлари бор-да.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ТИББИЁТГА ДАХЛДОР НОЁБ НУСХА

## Дунёнинг хазинаси



*Республика Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар хазинасида араб, форс ва туркий тилларда ёзилган 70 мингдан ортиқ қўлёзма ва 50 мингдан зиёд тошбосма асарлар сақланмоқда. Мазкур асарлар орасида қадимий табобатга бағишланганлари 1000 дан ортиқни ташкил этади. Ҳунайн ибн Исҳоқ, Абу Бакр ар-Розий, Исҳоқ ибн Сулаймон ал-Исроилий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Исмоил Журжоний, Нажибуддин Самарқандий, Ибн ан-Нафис каби юзлаб табиб-олимларнинг асарлари шулар жумласидандир.*

X асрда Испанияда яшаган Абу-л Мутриб Абдураҳмон ибн Исҳоқ ибн ал-Хайтамнинг араб тилида ёзилган «Ал-Иқтифо» асарининг дунё бўйича ягона нусхаси эса 9770/IV рақами билан сақланмоқда. Асарнинг тўлиқ номи «Китоб ул-иқтифо би-д-даво мин хавосс ал-ашё» («Хос ашёлар билан даволашда кифоя бўлувчи китоб») деб номланади. Муаллифнинг номи манбаларда турлича келтирилган. Масалан Шарқшунослик институтидаги қўлёзмада Абул-Мутриб ибн Исҳоқ ибн аш-Шайам, «Ўз РФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар мажмуаси» каталогида Шайам сўзи рўпарасига савол қўйилиб, Насим деб ўқилган. Исроиллик олим Шламбо Маркус ушбу исмни Абдурраҳмон ибн Исҳоқ ибн Али ибн ал-Хайтам тарзида ёзади. Шунингдек бу нусханинг ягона бўлиши мумкинлиги ҳақида ҳам фикрлар бор. Буни Ш. Маркуснинг сўзлари ҳам тасдиқлайди. У 1999 йил 7 июлда Шарқшунослик институтига йўллаган мактубида таъкидлашича «Ал-Иқтифо» китоби ёки унинг айрим қисмлари юз йиллар давомида ибрий тилига кўп марта таржима қилинган ва ҳар гал унга ҳар хил ном ва ҳар хил муаллифлар исми қўйилган».

1984 йили Ш. Маркус профессор Й. Лейбович билан ҳамкорликда асарнинг ибрий тилидаги 14 та таржимаси асосида унинг тўлиқ илмий нусхасини тайёрлашга муваффақ бўлган. Бунинг учун 10 йил вақт кетган. Бироқ Ш. Маркус асарнинг араб тилидаги нусхасини топа олмаган. «Китобни нашр қилганимиздан сўнг, — деб ёзади олим, сизларнинг фондингизда араб тилидаги нусхаси борлигини эшитиб қолдик. — Бу хабар тадқиқотимизни келажакда давом эттиришимиз учун бизда умид туғдирди».

Асарнинг арабча нусхаси қизғиш рангли ҳинд қоғозига ҳиндий настаълиқ хатида кўчирилган, матн қизил чизиқли жадвалларга олинган, сарлавҳалар қизил сиёҳда ёзилган. Қўлёзма котиб Юсуф ибн Шайх Фатҳ Муҳаммад Шамсободий томонидан 1129 йил рамазон ойи (1717 йил, август)да кўчирилган. 27 варақли ушбу асарнинг ўлчови — 13х25.

10 нав (боб)дан иборат асарнинг ҳар бир боби бир неча фасллардан иборат. Асарда бошдан оёққача бўлган касалликларни даволаш, ҳар бир касаллик ҳақида сўз кетганда унга тез таъсир қиладиган ўсимликлар, минерал моддалар ва ҳайвонлардан олинадиган дори-дармонлар ҳамда уларни ишлатиш усуллари баён қилинади. Муаллиф асарни ёзишда Дисқуридус (Диоскорид), Жолинус (Гален), Искандар, Ҳурмус, Истафан (Стефан) каби юнон олимлари қаторида Ҳунайн ибн Исҳоқ, Алий ат-Табарий, Закариё Розий каби Шарқ олимлари асарларидан ҳам фойдаланган.

Ушбу асар, аввало, тарихий манба сифатида қимматлидир. Унда кўплаб асарлардан фойдаланилиб, шифобахш воситаларнинг жамлаб берилиши эътиборлидир.

**Маҳмуд ҲАСАНИЙ,**
**тарих фанлари доктори.**


## ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

**2006 йил аспирантура ва докторантурага кириш учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича қабул эълон қилади:**

**АСПИРАНТУРА**
**Кундузги бўлимга:**

| | |
|---|---|
| 07.00.09 | Тарихнавислик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари — ***2 та ўрин*** |
| 08.00.11 | Хорижий мамлакатлар иқтисоди — ***3 та ўрин*** |
| 10.01.06 | Хорижий Осиё ва Африка мамлакатлари халқлари адабиёти — ***3 та ўрин*** |
| 10.02.22 | Осиё, Африка халқлари, Америка ва Австралия туб халқлари тиллари → ***2 та ўрин*** |
| 23.00.04 | Халқаро тизимлар ва жаҳон тараққиётининг сиёсий муаммолари — ***3 та ўрин*** |

**ДОКТОРАНТУРА**

| | |
|---|---|
| 10.01.06 | Хорижий Осиё ва Африка мамлакатлари халқлари адабиёти — **1 та ўрин** |

**Ҳужжатлар 2006 йил 4 декабргача қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 25-уй, 2-қават, 210-хона.**

3530Н/2097



**«ЎЗБЕКНЕФТГАЗ» МИЛЛИЙ ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ**
**«ЎЗНЕФТГАЗҚАЗИБЧИҚАРИШ» АКЦИОНЕРЛИК КОМПАНИЯСИ**

## ШЎРТАН ГАЗ-КИМЁ МАЖМУАСИ

**қуйидаги кимёвий реагентлар ва катализаторлар сотиб олиш учун 06/06-рақамли**
***тендер савдосини эълон қилади:***

| | | |
|---|---|---|
| **Лот №1** | Циклогексан ГОСТ 14198-78 (олий нав) | — 800,0 тн. |
| **Лот №2** | Алюминий оксиди | — 875,0 тн. |
| **Лот №3** | 2,4-пентандиона (ацетилацетон) | — 72,144 тн. |
| **Лот №4** | Антиоксидант Ирганокс 1010 | — 81,78 тн. |
| **Лот №5** | Катализатор TEA (CT) (триэтилалюминий) | — 16,8 тн. |
| **Лот №6** | Катализатор DEAL-E (диэтилалюминий этоксид) | — 4,8 тн. |
| | Катализатор DEAC (диэтилалюминий хлорид) | — 5,4 тн. |

***Тендер муддати эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб — 30 кун.***

***Тендер шартлари билан танишиш ва маълумотлар олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:***

*Шўртан газ-кимё мажмуаси, 731300, Ўзбекистон, Қашқадарё вилояти, Ғузор тумани, Шўртан қўрғони. Тел.: (998 75) 221-00-19, 221-15-64. Факс: (998 75) 221-09-04, 221-08-46.*

3557Н/2123


# Балли, РУСЛАН!




***Ўтган шанба куни Германиянинг Дюссельдорф шаҳридаги спорт мажмуаси бокс ишқибозлари билан гавжум бўлди.***

Ўта оғир вазнда фаолият кўрсатаётган ҳамюртимиз Руслан Чагаев ва собиқ жаҳон чемпиони Жон Руизнинг жангини кузатиш учун муҳташам спорт саройига минглаб мухлислар йиғилишди. Чунки, бу учрашув одатдаги рейтинг жанги эмасди. Беллашув ғолиби WBA йўналишининг ўта оғир вазнида жаҳон чемпионлиги камари соҳиби, «Рус гиганти» лақабини олган Николай Валуевга қарши рингга кўтарилиш имкониятига эга бўларди.

Шу сабабли бўлса керак, жангнинг биринчи раундиданоқ ҳар иккала боксчи ҳужумга зўр беришди. Учинчи раунддан бошлаб ўзбек бокс мактаби тарбияланувчиси Руслан Чагаев ташаббусни ўз қўлига олди. Жон Руиз ҳарчанд ҳаракат қилмасин, юртдошимиз қаршилигини енга олмади. Мусобақа сўнгида икки ҳакам жанг 117-111 ва 116-112 ҳисобида Руслан Чагаев фойдасига ҳал бўлганлигини эълон қилди. Учинчи ҳакам эса 115-114 ҳисобида Руиз ҳисобига ғалаба ёзди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи ташкил этилган кунни нишонлаётган миллионлаб ҳамюртларимиз Руслан Чагаев боши узра байроғимизни баланд кўтарганда, фахр туйғуларини ҳис этгани шубҳасиз.

Мусобақани бевосита кузатган Николай Валуев навбатдаги рақиби ўзига шунчаки совға эмаслигини айтиб ўтган.

Ушбу ғалабадан сўнг Руслан Чагаев WBA йўналиши бўйича жаҳон чемпиони Николай Валуевга қарши рингга кўтарилиш имкониятига эга бўлди. Чемпионлик жанги келаси йилнинг январида ўтиши режалаштирилган.

**З. ЖОНИБЕКОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Хабарингиз борми?

*Ҳар соҳанинг ривожланиш тарихи бўлганидек, алоқа тизими ҳам олис ўтмишга эга. Оддий кабутар таший бошлаган хат-хабар бугунги телефон ёки электрон почта алоқаси даражасига етиб келгунча кўплаб воқеаларнинг гувоҳи бўлган.*

# «Кабутардан — самовий алоқагача!»

Айниқса, истиқлол туфайли мазкур соҳада мисли кўрилмаган юксалишлар юз бераётирки, улар ҳақида ҳикоя қилиш, аввалги ҳолат билан таққослаш кўз олдимизда соҳадаги ўзгаришларни ёрқин намоён этади.

«Xabar» газетаси таҳририяти ана шу тарих зарварақлари билан муштарийларни кенг таништириш мақсадида «Кабутардан — самовий алоқагача!» танловини эълон қилди. Танловга алоқа тарихи ва бугуни ҳақидаги бадиий асарлар, публицистик очерклар, илмий-оммабоп мақолалар, лавҳа ва фотосуратлар қабул қилинади. Энг мазмунли материаллар газетада чоп этилади.

«Ғолибларга яхшигина совринлар бор», дейишмоқда хабарчилар. Уларга эсдалик совғалар ва қимматбаҳо мукофотлар берилиши билан бирга газетада чоп этилган асарлари «Кабутардан — самовий алоқагача!» деб номланадиган китобга киритилади. Танлов доимий бўлиб, у ҳар йили Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик байрами арафасида якунланади.

**Нарзулла ҲАМРОЕВ.**

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ҳайъати ҳамда касаба уюшмаси Бирлашган қўмитаси ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти директори, Ўзбекистон Республикаси Фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор Тўра Мирзаевга падари бузруквори

**МИРЗО отанинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия ва ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги жамоаси

**Баҳодир Аббосович АБДУРАЗЗОҚОВнинг**

вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика болалар суяк сили санаторийси бош врачи

**Азиза Акрамовна ТУРСУНОВАнинг**

вафот этганлиги туфайли марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзэкспомарказ» МКК ОАЖ жамоаси кўргазма ва кўргазма хизмати бўлими етакчи мутахассиси Лазокат Иргашевага падари бузруквори

**Собир ота УМАРОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.


## ГАЗ РУСУМЛИ РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ

**Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютор AVTODOM PLUS**


**ГАЗ-31105, «ВОЛГА»**


**ГАЗ-3221, Микроавтобус, 15 ўриндиқли**


**ГАЗ-33023 «Фермер», юк кўтариши — 1,5 тн., 6 ўриндиқли**


**ГАЗ-3309 Турбодизель юк кўтариши — 4,5 тн., 2 ўриндиқли**


**ГАЗ-2705, 7 ўриндиқли металл билан қопланган фургон, юк кўтариши — 1,3 тн., 3 ёки 7 ўриндиқли**


**ГАЗ-3307, 40 та газ баллонлари ташувчи**

**ТЎЛОВ ШАКЛИ – ТУРЛИЧА**


**ГАЗ-3307 Автоэвакуатор**


**ГАЗ-3302, нон ташийдиган, лотоклар сони — 112 та, 3 ўриндиқли**

**700015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шахрисабз» к., 16-«А» уй. Тел./факс: (998-71) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62. Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-12-94, 126-25-42. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz**

**ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ**

- «Волга» автомобиллари;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар;
- 3-7 ўриндиқли металл билан қопланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтарадиган юк машиналари.

**ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:**

ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь». ЮК МАШИНАЛАРИ: озиқ-овқат, саноат моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли ассенизаторлар, автогидрокўтаргичлар, автоустахоналар, бурғулаш (буровые), чиқинди ташийдиган, мобил билбордлар, автоэвакуаторлар. АВТОЦИСТЕРНАЛАР: сут ташийдиган, ёнилғи ташийдиган, самосваллар.

**АВТОМОБИЛЛАР – КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА**



Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1357. 21071 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Холматова.
Навбатчи — С. Донийёров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.00 Топширилди — 22.10 23456